
БУВАЙДА ТУМАНИЛИК ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ПАТИЛАХОН ЭРГАШЕВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЧИНАКАМ ФИДОЙИЛАРИДАН БИРИ.

У ҳузур-ҳаловатни қадрдон даласидан топади, пахта, ғалла ҳосилдорлигини ошириш учун тинмай ҳаракат қилади. Шу боис ҳам унинг бошчилигидаги фермер хўжалигида ҳосилдорлик йилдан-йилга ортмоқда.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари ҳамроҳлигида қаҳрамон опани йўқлашди. Патилахон опа билан самимий мулоқотда пахтачиликдаги янги технологиялар, деҳқончилик илми ҳақида сўз борди.

Айни кунларда “Патилахон” фермер хўжалигида 28 гектар майдондаги пахта териб олинаётган бўлиб, ҳосилдорлик ўртача 50 центнерни ташкил этмоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-09-26 09:34:57